



Қахрамон ҲАҚБЕРДИЕВ
Тошкент давлат шарқшунослик
институти проректори

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА ХОРИЖИЙ ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ ЯНГИ ЁНДАШУВ ВА ЎЗГАРИШЛАР

Республикамызда босқичма-босқич демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган янги жамиятни қуришга йўналтирилган ислохотлар доирасида таълим-тарбия ишларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ушбу ҳужжатларда замон талабларига мувофиқ бўлган барча шарт-шароитлар ва ҳаммадан аввал инсон манфаатларининг устуворлигини таъминловчи имкониятлар, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш масалалари билан бир қаторда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асослари белгилаб қўйилган. Чунончи, Республикамыз Президентининг 2012 йил 10 декабридаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорида келтирилишича “...мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди”.

Давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларни, жумладан, шарқ тилларини мукамал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхрон-таржимонларни

етиштириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва “чет тилларни эгаллашнинг Умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

Институтнинг Шарқ филологияси ва фалсафа факультети ва Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари тиллари факультетларида асосий эътибор нафақат хорижий шарқ тилларини пухта эгаллаган, матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қила оладиган, ўз фикрини ўрганаётган тилида бемалол баён қила оладиган ва бошқа амалий ишларга мўлжалланган мутахассисларни, балки теран назарий билимга эга бўлган, ўтмиш алломаларимиз яратган бой адабий, тарихий, тилшунослик, эпиграфик ва бошқа манбалар бўйича тадқиқотлар олиб боришга қодир бўлган ҳамда ҳозирги замон адабиётшунослиги ва тилшунослиги бўйича долзарб муаммоларни ҳал қилишга мўлжалланган миллий кадрларни тайёрлашга қаратилган. Ҳозирги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институтида араб, форс, япон, хитой, корейс, дарий, пушту, ҳиндий, урду, турк, индонез, малай, вьетнам, уйғур каби шарқ тиллари ўргатилади. Талабалар мазкур шарқ тиллари билан бир қаторда, инглиз, немис, француз, испан, рус тилларини ҳам мукамал ўрганиш имкониятига эгалар. Айтиш жоизки, институтда талабаларнинг билим олишлари, уларнинг замон талаблари даражасига жавоб берадиган етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун керакли шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарорининг қабул қилиниши Тошкент давлат шарқшунослик институтида хорижий шарқ тилларини ўқитишни қарорда қўйилган янги талаблар асосида ташкил этишни тақазо этди. Жумладан, институтда хорижий шарқ тилларини ўқитишда “Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умумевропа ваколоти: ўқитиш, ўргатиш, баҳолаш” (CEFR) тизимини татбиқ қилиш асосида шарқ тилларини ўқитиш, ўргатиш ва билимларни баҳолаш масалаларини халқаро стандартларга яқинлаштиришни таъминлаш борасида ишлар амалга оширилди.

ТошДШИда таҳсил олиб борилаётган “Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари)”, “Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)” таълим йўналишлари ва тегишли мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурлари тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор, чет тилларни эгаллашни ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш тизими ва методикасини халқаро стандартларга яқинлаштиришни

таъминлашга қаратилди. Янги коммуникатив асосда чет тилларни ўқитиш бўйича алоҳида видеодарсларни режалаштириш масалалари инобатга олинди. ТошДШИда ўқитиладиган хорижий шарқ тиллари бўйича ўқув-услубий мажмуаларни шакллантириш, ўқув адабиётлари яратиш, мустақил таълим учун электрон дарсликлар, фанлар ва мавзулар бўйича терминологик луғатлар, ҳар бир мавзу юзасидан назорат саволларини тайёрлаш мунтазам йўлга қўйилди.

Хорижий шарқ тиллари бўйича институтда 2013 йили ўттиздан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди ва такомиллаштирилди. Шунингдек, малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда муаллифлар гуруҳлари шакллантирилиб, 2014 йили ўндан ортиқ номдаги хорижий шарқ тилларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари устида иш олиб борилмоқда. Ўқув адабиётларини яратиш жараёнида таълим турларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, ўқув адабиётлари тузилишини умумевропа стандартларида белгиланган талабларга мувофиқ – коммуникативлик (мулоқот)ни таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Хорижий шарқ тилларини ўқитиш сифати ва кўламини ошириш, уни тарғиб этиш мақсадида институтда 2014 йилнинг январь ойида шарқ тиллари кесимида “Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловининг бошланғич босқичи ташкил этилди.

Талабаларга чет тилни ўқитиш гуруҳларини уларнинг бошланғич (ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқилган дастурлар билан узлуксизликни таъминлаш билан бирга) чет тилни билиш даражаси инобатга олиниб, шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чет тилни билиш даражаси паст бўлган талабалар тестлар асосида аниқланиб, янгидан табақалашган гуруҳлар шакллантирилди ва уларни янги ўқув дастурга босқичма-босқич ўтказиш чоралари белгиланди.